

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 4 май, № 90 (8433) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН ҲАМКОРЛИК ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг таклифига биноан жорий йил 2-3 май кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**




3 май куни Берлин шаҳридаги Бельвю саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Федерал Президентга Германияга ташриф билан келиш таклифи ва кўрсатилаётган самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Президентлар Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик мисли кўрилмаган суръатда ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Фаол сиёсий, гуманитар ва ишбилармонлик мулоқотлари давом этмоқда. Томонлар нуфузли халқаро институтлар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Икки томонлама муносабатларни янада юқори босқичга олиб чиқиш муҳимлиги юзасидан якдил фикр билдирилди.

Етакчилар савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини кўриб чиқдилар, амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олдилар.

Жумладан, кейинги йилларда товар айирбошлаш ва қўшма лойиҳалар сони икки баробар ошди. Иқтисодиётимизда Германия инвестициялари ҳажми 5,5 миллиард еврони ташкил этмоқда, шундан 4 миллиард евро охирги бир неча йилда жалб қилинган.

Президентлар умумий қиймати 9 миллиард евродан зиёд бўлган савдо шартномалари ва инвестиция-технология битимлари имзоланиши билан якунланган ишбилармонлик тадбирларининг натижаларини олқишладилар.

Берлинда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари юксак баҳоланмоқда.

Шу маънода, Германия минтақадаги ўзаро боғлиқлик лойиҳаларини, шу жумладан, Евроиттифоқнинг “Глобал дарвоза” ташаббуси доирасида қўллаб-қувватлашга тайёрлиги таъкидланди.

Томонлар минтақада Афғонистондаги вазиятни инобатга олган ҳолда хавфсизликни таъминлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги шерикликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини билдирдилар.

Афғон халқига манзилли гуманитар ёрдам кўрсатиш, бунда чегараолди Термиз шаҳрида яратилган замонавий инфратузилма имкониятларидан ҳам фойдаланиш муҳимлиги қайд этилди.

Маданий-гуманитар алмашинув масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Етакчилар Берлин шаҳрида Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросига бағишлаб ноёб кўргазма очилаётганидан мамнунлигини билдирдилар.

Ўзбекистонда немис тилини ўрганиш бўйича комплекс дастурни тайёрлаш, шу жумладан, мамлакатимиз ҳудудларида Гёте институти фаолиятини кенгайтириш юзасидан келишувга эришилди.

Учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Франк-Вальтер Штайнмайерни мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Германияга ташрифи доирасида ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Германия томонидан тадбирда Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши, Германия энергетика агентлиги, “CLAAS”, “Knauf”, “Siemens Energy”, “Lasselsberger”, “Aurubis”, “Linde Group”, “Gunter Papenburg”, “Falk-Porsche-Technik”, “Mangold Consulting”, “DB Engineering”, “Landesbank”, “Commerzbank”, “KfW”, “Deutsche Bank” каби ўттизга яқин энг йирик компания ва банклар раҳбарлари қатнашди.

Бундай форматдаги мулоқот илк бор 2019 йилнинг январида, давлатимиз раҳбарининг ГФРга расмий ташрифи доирасида бўлиб ўтган эди.

Натижада Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш бўйича бир қатор юқори технологик лойиҳалар ишга туширилди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклик сезиларли равишда фаоллашди.

Ўзбекистон Президенти учрашувни очар экан, Германия билан муносабатларда юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат қарор топганини алоҳида қайд этди. Юртимизда германиялик ҳамкорлар иштирокида умумий қиймати 5 миллиард евродан зиёд 60 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Охирги йилларнинг ўзида Германия инвестициялари ҳажми 4 миллиард еврони ташкил қилди, қўшма корхоналар сони икки баробар кўпайди. Ўзбекистонда “CLAAS”, “Knauf”, “Gunter Papenburg”, “Linde Group” ва “Falk-Porsche-Technik” каби Германия иқтисодиётининг локомотивлари муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон томонидан Бош вазир раислигидаги Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ҳамкорликни мунтазам мувофиқлаштириб боришнинг муҳим механизмига айланди.

Президентимиз ушбу ташриф давомида эришилган муҳим келишувлар ва истиқболга мўлжалланган режаларни амалга оширишда асосий ролни айнан ишбилармон доиралар ўйнаши мумкин ва лозимлигини қайд этди.

Хусусан, куни кеча ўтган Ўзбекистон — Германия бизнес форуми доирасида саноат кооперациясини ривожлантириш ва технологик шерикликни кенгайтириш бўйича 9 миллиард евролик янги савдо, молия ва инвестиция битимлари имзоланди.

“Яшил” энергетика, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, металлургия, сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, кимё, тоғ-кон, автомобиль, тўқимачилик, электротехника саноати ва бошқа йўналишлардаги катта лойиҳалар шулар жумласидан.

Банк-молия соҳасида Германиянинг “Deutsche Bank”, “Commerzbank”, “KfW” ва “Landesbank” каби энг йирик банклари билан лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётидаги кенг кўламли ва жиддий тебранишлар шароитида Германия бизнеси учун самарали ва ишончли макон бўлишга тайёрлигини таъкидлади.

Шу мақсадда инвесторлар учун зарур шароитлар ва ноёб имкониятлар, қулай фискал тизим яратилган — солиқлар сони камайтирилди, ҚҚС ставкалари пасайтирилди, бир қатор божхона божлари бекор қилинди. Маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясига мувофиқ, хусусий мулк дахлсизлиги кафолатлари кучайтирилди, давлат ҳалол рақобат ва суд тизими мустақиллиги учун шароит яратишига оид қоидалар аниқ мустаҳкамлаб қўйилди.

Эндиликда инвесторларнинг ҳуқуқлари таъминланиши ва уларнинг судда ҳимоя қилиниши давлат томонидан кафолатланиши алоҳида қайд этилди. Бундан буён тадбиркорлар эмас, давлат идоралари ўз қарорларининг қонунийлигини исботлашга мажбур. Шунингдек, юзага келадиган ҳар қандай ноаниқликлар инвесторлар фойдасига ҳал этилади.

— Хорижий инвестор Ўзбекистон деганда, биринчи навбатда, барқарорлик, ишончлилик ва келажак учун хотиржамликни кўз олдига келтириши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ҳар бир германиялик тадбиркор мамлакатимизда ўзини эркин ва дадил ҳис этиши учун барча шароитларни яратишга тайёрмиз. Германиянинг илғор ишланмалари ва инновацион технологияларни Ўзбекистоннинг ресурслари ва инсон салоҳияти билан бирлаштирсак, катта натижаларга эриша оламиз.

Тадбиркорлар билан мулоқот Германия бизнес ҳамжамиятининг ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши катта эканини яна бир бор намойиш этди.

Фикр алмашиш чоғида ГФР ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий аҳамиятини юксак баҳолаб, бу юртимизда инвестициявий фаолият юритиш бўйича Германия бизнесининг энг дадил ва узоқ муддатли режаларини рўёбга чиқаришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Учрашувда Германия компаниялари раҳбарлари аниқ таклифларини айтди. Устувор соҳаларда юқори технологик ва инновацион ечимларни жорий қилган ҳолда амалий ҳамкорликни давом эттириш ва кооперацияни кенгайтиришга тайёрлигини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Германия бизнеси вакилларига долзарб ташаббуслари учун самимий миннатдорлик билдириб, мулоқот мазмунли бўлганини мамнуният билан қайд этди ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш, умуман, ташриф доирасида эришилган келишувларни амалга оширишни назарда тутувчи “Йўл харитаси”ни тасдиқлашга топшириқ берди.

Германияга ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Берлин шаҳридаги жаҳонга машҳур Жеймс Симон галереясида “Ўзбекистоннинг археологик хазиналари. Македониялик Искандардан Кушонлар салтанатигача” номли ноёб кўргазмани очдилар.

Давлатимиз раҳбари очилиш маросимида икки мамлакатда халқларимизнинг бой маданий мероси ва бугунги ютуқларига қизиқиш ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистонда Гёте, Гейне, Шиллер, Томас Манн, Ремарк ва кўплаб бошқа адибларнинг ўлмас ижодини, Бах, Бетховен, Штраус, Вагнернинг ажойиб мусиқаларини яхши билишади ва қадрлашади.

Ҳудудидан Европага элтувчи қадимги карвон йўллари ўтган Ўзбекистоннинг тарихи билан Германия жамоатчилиги яхши таниш.

Асрлар давомида Буюк Ипак йўли савдо, фан, маданият ва санъат ривожига улкан ҳисса қўшиб келган, маданиятлараро мулоқотга, маънавий қадриятлар алмашинувига, прогрессив ғоялар шаклланишига, интеграция ва ҳамкорликка, тинчлик ва бунёдкорликка, бағрикенглик ва тотувликка хизмат қилган.

Буюк шоир Гёте ўзининг “Ғарбий-Шарқий девон” шеърий тўпламида кўҳна Самарқанд ва Бухоро гўзаллигини тараннум этган бўлса, атоқли бастакор Гендель “Темур” операсини яратган.

Кўргазманинг очилиши Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги маданий алоқаларда диққатга сазовор воқеа бўлди. Унинг ўтказилиши ҳақида Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг 2019 йил майдаги Ўзбекистонга ташрифи чоғида келишилган эди.

Қарийб тўрт йил давомида икки мамлакат археологлари, тарихчилари, санъатшунослари ва музей ходимлари тадбирни ташкиллаштириш устида фидокорона меҳнат қилди. Германиялик мутахассислар иштирокида 50 га яқин энг қимматли осориатиқалар реставрация қилинди.

2024 йил 14 январь кунига қадар давом этадиган кўргазмада Берлин давлат музейлари тўпламларидан 65 та ва Ўзбекистон музейлари тўпламларидан 285 та экспонат намойишга қўйилган. Уларнинг кўпи мамлакатимиз ташқарисида илк бор кўрсатилмоқда.

Кўргазма мамлакатимизнинг қадимий ва бой маданияти, бугунги Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудудида жойлашган илк давлатларнинг милоддан аввалги VI асрдан милодий IV асргача даврни қамраб олган тарихи ҳақида сўзлайди.

Бу ердаги дурдоналар орасида Кушон салтанатининг Далварзинтепа ва Ҳолчаён қўрғонларидан топилган аслзодалар, аскар ва бадавлат аёллар ҳайкаллари бор.

Ушбу бетакрор экспозиция ташриф буюрувчиларга Ўзбекистон тарихи билан танишиш, халқимиз мероси тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Тадбир Ўзбекистон ва Германия халқларининг янада яқинлашиши ва бир-бирини англашига, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг мулоқот ва кўп қиррали ҳамкорликнинг ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германияга ташрифи муносабати билан икки мамлакат делегациялари аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари иштирокида қабул маросими бўлиб ўтди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германия Федератив Республикасига ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ИЛГАРИ СУРАЁТГАН СИЁСАТ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ ЯРАТМОҚДА

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2-3 май кунлари Германияга бўлиб ўтган ташрифи ва унинг доирасида эришилган келишувлар нафақат икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқади, балки Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи (ЕИ) ҳамкорлиги истиқболларини ҳам белгилаб беради.*

*Халқаро эксперт ва сиёсатчилар давлатимиз раҳбарининг Берлинга амалга оширган ташрифи ҳақидаги шарҳларида ушбу фикрни илгари сурмоқда. Ўзбекистон — Германия кўп қиррали ҳамкорлиги бугунги кунда мисли кўрилмаган ривожланиш босқичига кўтарилгани қайд этилаётир.*

### Дунё нигоҳи

**Бий ОЛОКО, «Stephen Simeon Limited» компанияси директори, «Dskafos» савдо майдончаси мувофиқлаштирувчиси (Буюк Британия):**

— Буюк Британия Ўзбекистоннинг изчил ривожланишини катта қизиқиш билан кузатиб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни олқишламоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг 2-3 май кунлари Германияга ташрифи якунлари мамлакатда “яшил” энергетика, кон-металлургия саноати, кимё ва фармацевтика каби истиқболли соҳаларда хорижий бизнес учун кенг имкониятлар очилаётганидан яна бир карра далолат берди.

Хорижий компанияларнинг Ўзбекистон транспорт инфратузилмасини модернизациялаш, қишлоқ хўжалиги, инновациялар ва бошқа устувор тармоқларни рақамлаштириш жараёнида иштирок этишдан манфаатдорлик билдираётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Берлинда ўтган Ўзбекистон — Германия бизнес форуми якунлари бўйича савдо, сармоя ва технологиялар трансфери соҳаларида умумий қиймати 9 миллиард долларлик ҳужжатлар тўплами имзолангани бежиз эмас.

Европада, жумладан, Буюк Британияда Ўзбекистон билан савдо ва сармоявий ҳамкорликка қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Компаниямиз бой тажрибага эга ва юқори сифатли маҳсулотларни таклиф эта оладиган мамлакат тўқимачилик саноатини биргаликдаги лойиҳалар учун истиқболли йўналиш сифатида белгилади.

**Михаэль БОРХМАНН, Гессен федерал ери давлат канцелярияси департаментининг Европа масалалари ва халқаро ҳамкорлик бўлими собиқ бошлиғи (Германия):**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг серқирра фаолиятини алоҳида эътибор билан кузатиб бораман. Ўзбекистоннинг етакчиси катта куч-ғайрат билан ўз мамлакати ва Марказий Осиё минтақаси барқарор ривожланиши йўлида жуда кўп меҳнат қилмоқда. Унинг мамлакатга ижтимоий-иқтисодий жадаллик бахш этиш, ўзбек халқи фаровонлигини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳурматга сазовор.

Мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ижобий динамика касб этаётганидан хурсандмиз. Ўзбекистон раҳбарининг Германияга навбатдаги ташрифи якунлари ҳам бундан далолатдир. Олий даражадаги ташриф чоғида икки томонлама муносабатларнинг бутун спектри ва халқаро сиёсат масалалари муҳокама қилинди. Ишбилармонлик алоқаларини чуқурлаштириш, инновацион ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида урғу берилди.

➡ 2

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

*3 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.*

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ сенаторлар томонидан дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Қонунга асосан дарахт ва буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесганлик, кундаков қилганлик, шикастлантирганлик, йўқ қилганлик ёки бошқа жойга кўчириб ўтказганлик учун жарима миқдорлари оширилмоқда.

Бундан ташқари, маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида ушбу ҳуқуқбузарликлар такрор содир этилгани учун ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш чоралари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, эндиликда дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесишга, кундаков қилишга, шикастлантиришга ёки йўқ қилишга олиб келадиган лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққанлик учун маъмурий жавобгарлик ҳам киритилмоқда.

Бундан ташқари, ноқонуний дарахт кесганлик ёки кундаков қилганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 4 та моддасида маъмурий жавобгарлик белгиланган. Мазкур моддаларда бир хил маъмурий ҳуқуқбузарлик учун турли миқдордаги жарималар ва номутаносиблик мавжудлиги инобатга олиниб, ўзгартишлар орқали бир турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликка нисбатан битта моддада бир хил жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

➡ 2

# ЎЗБЕКИСТОН ИЛГАРИ СУРАЁТГАН СИЁСАТ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ ЯРАТМОҚДА



1 Ўзбекистон халқаро миқёсда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Иқтисодий суръат улкан ислоҳотлар дастурига асосланади.

**Рой Энтони РОЖЕРС,**
**Малайя университети ҳузуридаги Осиё ва Европа институти директорининг ўринбосари (Малайзия):**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи Ўзбекистон ва Европа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришнинг мантиқий давоми бўлди.

Олий даражада ўтган музокаралар, ташрифнинг бой дастури Тошкент ва Берлиннинг ўзаро мулоқотни изчил ривожлантиришга интилишининг яққол тасдиғидир.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баравар ошгани, қўшма лойиҳалар кўпайгани қувонарли. Германиянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 5,5 миллиард долларга етди, шундан 4 миллиарди сўнгги йилларда жалб қилинган.

Ўзбекистон — Германия савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалари ўрта муддатли истиқболда "яшил" энергетика, кон-металлургия саноати, кимё, фармацевтика, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, инновациялар ва бошқа устувор йўналишларда катта салоҳиятга эга.

Ташриф чоғида имзоланган кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича ҳукуматлараро декларация, шунингдек, "Германия — Марказий Осиё" форматида мулоқот майдонини ишга тушириш тўғрисидаги келишув, айниқса, эътиборга молик.

**Шаҳзод НАСИМ,**
**«Meinhardt» компанияси ижрочи раиси (Сингапур):**

— Германия билан алоқалар мустаҳкамланаётгани бугунги ўзаро боғланган дунёда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлиги юксалаётганидан далолат беради.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ва қўшма лойиҳалар сони икки баробар ортгани, шунингдек, Германиянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритаётган сармояси сезиларли даражада ошгани юксак эътирофга сазовор. Ташриф доирасида ўтказилган қўшма бизнес форуми, умумий қиймати 9 миллиард доллар миқдорда савдо, сармоявий ва технологик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича имзоланган келишувлар икки давлат равнақига хизмат қиладиган салмоқли ютуқлардир.

Биз ушбу ўзгаришларни олқишлаймиз, чунки улар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда тараққиёт ва иқтисодий барқарорликка ҳисса қўшади.

Шунингдек, Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини ҳамда ЕИ билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим тезроқ имзоланишини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдиргани ҳам диққатга сазовордир.

"KfW", "Deutsche Bank" ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти билан келишувлар, шубҳасиз, немис компанияларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларини мустаҳкамлайди.

Менимча, ушбу қадамлар нафақат Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишига, балки унинг глобал савдо тармоғига янада самарали интеграциялашувига ҳам ҳисса қўшади. Шунингдек, республикага ўзи учун очилган янги бозорларга дадил кириб бориш, миллий иқтисодиётнинг экспоненциал ривожланишини давом эттириш учун энг янги технологиялар ва капитал бозоридан фойдаланиш имконини беради.

**Эктор РОДРИГЕС,**
**«SERCOBE» асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик бўлими бошлиғи (Испания):**

— Ўзбекистон ва Германия икки ва кўп томонлама шаклларда, жумладан, БМТ, ЕХҲТ ва Европа Иттифоқи доирасида сермаҳсул ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Мамлакатлар терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш ва бошқа долзарб масалалар бўйича деярли бир хил позицияга эга, бу эса уларнинг халқаро майдонда самарали ҳамкорлиги учун хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни жадал амалга ошираётганини таъкидламоқчиман. Хусусий сектор учун ишбилармонлик муҳити сезиларли даражада яхшиланди. Хусусан, товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиблари соддалаштирилди. Кўплаб тадбиркорлик лицензиялари ва рухсатномалари бекор қилинди. Бундан ташқари, экспорт ва импорт лицензияларини қисқартириш ҳисобига тижорат операцияларининг бюрократик тартиблари ҳам енгиллаштирилди. Мазкур ўзгаришларнинг барчаси Ўзбекистон билан ЕИ мамлакатлари, хусусан, Германия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатяпти.

Ўзбекистон илгари сураётган сиёсат Европа Иттифоқи давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай имконият яратмоқда.

**«Дунё» АА.**

# ИШОНЧЛИ ВА СТРАТЕГИК ШЕРИК

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг очиқ, дўстона ва прагматик сиёсати ҳамда эзгу ташаббуслари сабаб мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, дунёга донғи кетган фирма ва компаниялар юртимиз билан узоқ муддатли ҳамкорликка интилаётир.*

## Акс садо



Хусусан, кўплаб соҳаларда нафақат Европада, балки дунё миқёсида етакчилардан ҳисобланган Германия билан ижтимоий, иқтисодий, савдо, логистика ва бошқа кўплаб йўналишларда ҳамкорлик кўлами мунтазам кенгайиб, мустаҳкамланаётгани ҳар иккала давлат манфаатларига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2-3 май кунлари Германияга ташрифи давомида ҳам бу ҳамкорлик қирралари янада кенгайиб, бир қатор битим ва келишувларга эришилгани муҳим аҳамиятга эга, албатта. Шавкат Мирзиёев ушбу мамлакат Федерал Канцлери Олаф Шольц билан музокараларда Ўзбекистон Германияни ўзининг ишончли ва стратегик ҳамкори сифатида қабул қилиши, мамлакатларимизни чуқур тарихий илдизлар боғлаб тургани қайд этилди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар барча йўналишда жадал ривожланиб бораётгани кўзга яққол ташланмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, ўзаро товар айирбошлаш ва қўшма лойиҳалар сони икки баробар ортди. Германиядан Ўзбекистонга инвестициялар ҳажми юқорилагани ҳам таҳсинга сазовор.

Умуман олганда, "яшил" энергетика, хомашё қазиб чиқариш, кимё, фармацевтика, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, инновация ва бошқа соҳалардаги кооперация лойиҳалари бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Яна бир муҳим жиҳат, немис компанияларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "KfW", "Deutsche Bank" банклари ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти билан кенг кўламли шерикликни ривожлантиришга келишиб олингани қувонарли бўлди. Бундан ташқари, Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини ҳамда Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имкон қадар тез имзолашини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрлиги айтилди. Чунки Ўзбекистоннинг Европадаги ҳамкорларининг кўпайиши тараққиётга интилишдан дарак беради.

Учрашувда Олаф Шольц Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитини яратиш, интеграцияни чуқурлаштириш бўйича янги минтақавий сиёсатини қўллаб-қувватлашини билдирди. "Германия — Марказий Осиё" форматида мулоқот майдонини ишга туширишга аҳдлашиб олинди. Ва умуман, ташриф доирасида иқтисодиёт, савдо, молия, таълим, фан ва инновация соҳаларида ҳукуматлараро ҳамда идоралараро 16 та ҳужжат имзолангани эътиборга молик.

Ишончимиз комилки, мамлакатимиз етакчисининг Германияга ташрифи иккала давлат манфаатларига хизмат қилиш билан бирга халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталарини ва ҳамкорлик муҳитини янада мустаҳкамлайди.

**Дилбар УСМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

1 Таъкидланганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши дарахтлар ва буталарнинг қонунга хилоф равишда кесилиши, кундаков қилиниши, шикастлантирилиши ёки йўқ қилиниши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу борада жисмоний ва юридик шахсларнинг масъулиятини ошириш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва давлат экологик назоратининг самарали ташкил этилишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун билан тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини уларнинг розилигисиз қонунга хилоф равишда ўтказганлик ёки олиб қўйганлик ёхуд ортиқча ундирилган маблағларни ўз вақтида қайтармаганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

Хусусан, қонунда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча модда киритилиб, банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини тадбиркорлик субъектларининг розилигисиз қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд ортиқча ундирилган пулни ўз вақтида қайтармаслик ҳолати бўйича айбдорга базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан 40 бараваригача миқдорда жарима солиниши қайд этилмоқда.

Шунингдек, қонун билан тадбиркорларнинг пул маблағларини қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд уларни ўз вақтида қайтармаслик юзасидан Жиноят кодексига қўшимча модда киритилиб, унга кўра, мазкур ҳолатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин ҳам содир этиладиган бўлса, мазкур жиноятнинг тоифасига қараб базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан 600 бараваригача жарима ёки 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий чораларини кучайтиришга ва уларнинг мулкий ҳуқуқлари дахлсизлигини муҳофаза этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур қонун билан Миллий гвардия органларининг ходимларига майда безорилик, қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш, совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юришга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш, баённомалар тузиш ва уларни кўриб чиқиш учун судга юбориш юзасидан қўшимча ваколатлар берилмоқда.

Қолаверса, бу каби ваколатлар вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, жамоат жойларида алкоголь маҳсулоти истеъмоли, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, тиланчилик қилиш ҳамда қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этиш ҳолатларида ҳам амалга оширилади.

Бунда мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш ваколати ички ишлар органларида ҳам сақланиб, ҳуқуқбузарлик Миллий гвардия ходимлари томонидан аниқланган тақдирда уларга жарима жазосини қўллаш ҳуқуқи берилмоқда.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш ва асоссиз жавобгарликка тортиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Миллий гвардия органлари номидан қонунда кўрсатилган бошқарма (бўлим) бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима жазосини қўллашга ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга юқорида келтирилган ўзгартишлар киритилиши муносабати билан жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар бўйича Миллий гвардия органларига ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳуқуқи берилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шуning билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.**

Муносабат

# ЭЗГУ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ МАСАЛАЛАР – МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

*Кеча ўз ишини бошлаган Олий Мажлис Сенати қирқинчи ялпи мажлисининг биринчи куни давомида мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ва ислоҳотларга ҳамоҳанг масалалар чуқур муҳокама қилинди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда бугунги кундаги аҳамияти хусусида сенаторлар қуйидагича фикр билдирди.*



**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:**

## Тадбиркорлик ривожланса, мамлакат равнақ топади, аҳоли фаровон ҳаёт кечиради

— Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, улар учун кенг шароитлар яратиб бериш борасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Негаки, тадбиркорлик ривожланса, мамлакат тараққий этади, аҳоли эса тўкинлик ва фаровонликда умргузаронлик қилади.

Бу хусусда бежиз сўз очмадик. Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан алоҳида эътиборга молик.

Маълумки, банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ноқонуний ўтказиш ёки олиб қўйиш, шунингдек, ортиқча ундирилган пул маблағларини ўз вақтида қайтармаслик ҳоллари ҳаётда мавжуд бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларида бундай қилмишлар учун жавобгарлик чоралари аниқ-тиниқ белгиланмаган эди.

Янги қонун билан бундай ҳолатлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кўзда тутилмоқда. Масалан, қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча модда киритилиб, банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини тадбиркорлик субъектларининг розилигисиз қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд ортиқча ундирилган пулни ўз вақтида қайтармаслик базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан 40 бараваригача жарима солинишига сабаб бўлади. Агар шу каби ҳаракат маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этиладиган бўлса, жиноят тоифасига қараб базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан 600 бараваригача жарима ёки 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Шу жиҳатдан қараганда, мазкур қонун тадбиркорларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоялаш орқали юртимизда бу соҳани изчил ривожлантириш имконини беради.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**

## Тинчлик ва осойишталик — тараққиёт омили



— Тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган жамиятда олға интилиш ва тараққиёт кузатилади. Шу боис ҳам юртимизда бу масалага хассослик билан ёндашиб келинмоқда.

Сир эмас, ушбу масалага масъул идоралардан бири бўлган Миллий гвардия органлари зиммасига ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, давлат объектлари, жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат жойларида патруллик ижроси каби вазифалар юклатилган. Аммо бунинг ўзи камлик қилишини ҳаёт яққол кўрсатмоқда. Гап шундаки, бугунги мавжуд воқелик Миллий гвардияга маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ва шу тоифадаги ишларни кўриб чиқишга доир қўшимча ваколатлар беришни тақозо этаётир.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун ана шу мақсадда ишлаб чиқилган бўлиб, ялпи мажлисда у сенаторлар томонидан маъқулланди.

Унга кўра, Миллий гвардия органлари ходимларига майда безорилик, қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш, совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юришга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш, баённомалар тузиш ва уларни судга юбориш юзасидан қўшимча ваколатлар бериляпти.

Бу каби ваколатлар вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, жамоат жойларида алкоголь маҳсулоти истеъмоли, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, тиланчилик ҳамда қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этиш ҳолатларида ҳам амалга оширилади.

Айтиш жоизки, мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш ваколати ички ишлар органларида ҳам сақланиб қолади, ҳуқуқбузарлик Миллий гвардия ходимлари томонидан аниқланган ҳолларда эса уларга жарима жазосини қўллаш ҳуқуқи берилмоқда.

Келтирилганларнинг ўзидан ҳам ушбу ҳужжат қанчалик муҳимлигини англаб олиш қийин эмас.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси:**

## Яшил ҳудудлар камайиши экология муаммосини кучайтиради



— Бугунги кунда бутун дунёни ўйлантириб келаётган масалалардан бири, шубҳасиз, экология муаммосидир. Ачинарлиси, дунё бўйича яшил ҳудудлар камайиб бориши ҳисобига экология муаммоси баттар авж олиб, янада долзарблик касб этмоқда. Албатта, бу муаммо бизга ҳам бегона эмас.

Ялпи мажлисда кўрилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун ана шу ҳаёт-мамот масаласига йўналтирилгани боис сенаторлар томонидан маъқулланди. Унга биноан, дарахт ва буталарни, бошқа ўсимликларни ҳамда ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесганлик, кундаков этганлик, шикастлаганлик, йўқ қилганлик ёки бошқа жойга кўчириб ўтказганлик учун жарима миқдори оширилмоқда.

Маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида ушбу ҳуқуқбузарликларни такроран содир этган шахслар учун ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш чоралари кўзда тутиляпти. Шуларга мос ҳолда дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесишга, кундаков этишга, шикастлаш ёки йўқ қилишга олиб келадиган лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиққанлик учун маъмурий жавобгарлик киритилаётир.

Маълумки, ноқонуний дарахт кесганлик ёки кундаков қилганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 4 та моддасида жавобгарлик белгиланган. Бу моддаларда бир хил маъмурий ҳуқуқбузарлик учун турли миқдорда жарима мавжудлиги инобатга олиниб, ўзгартишлар орқали бир турдаги ҳуқуқбузарликка нисбатан битта моддада бир хил жавобгарликни белгилаш кўзда тутилмоқда.

Айтиш жоизки, бу қонуннинг қабул қилиниши шу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар масъулиятини ошириш имкониятларини янада кенгайтиради.

**«Халқ сўзи».**

# ТАБИИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ИЖАРАГА ОНЛАЙН АУКЦИОН ОРҚАЛИ БЕРИЛАДИ

*Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий маҳсулотлар билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Айни чоғда озиқ-овқат импортига ўта боғлиқликдан халос бўлганлигини англатади.*



Мамлакатимизда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл ва арзон бўлишини таъминлаш чоралари кўрилаётгани сабаби ҳам шунда. Зеро, бу орқали юртимиз аҳолиси истеъмоли учун энг сифатли ва ҳамёнбоп маҳсулотлар етиштирилади. Янги иш ўринлари яратилиб, экспорт ҳажми ортади.

Кундалик турмушда балиқ маҳсулотининг ҳам ўрни катта, албатта. Зеро, балиқ гўшти инсон саломатлиги учун кони фойда. Кейинги йилларда кўплаб соҳалар қатори балиқчилик ҳам изчил ривожлантирилаётгани, кўл ва сув ҳавзаларининг тадбиркорларга узоқ муддатга ижарага берилиши орқали балиқчилик хўжаликлари кўпайиб, шифобахш маҳсулот етиштириш ҳажми ошмоқда. Буни балиқчилик йўналишида ўтган йили 290 та лойиҳа амалга оширилиб, 502 минг тонна тансиқ гўшт етиштирилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Албатта, эришилган натижалар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу тармоқларда озуқа ва ер етишмаслиги, айланма маблағлар билан боғлиқ бир қанча муаммолар борки, бу ўз вақтида зарур чоралар кўришни тақозо этади. Шу боис соҳа вакилларининг фикрлари ўрганилиб, таклифлар ишлаб чиқилди.

Президентимиз озиқ-овқат тармоқларини қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишиш чоғида бу масалага алоҳида эътибор қаратилар экан, мазкур тармоқларда жорий йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берилди.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳар куни сут истеъмол қилиш юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди. Қолаверса, асаб тизимига тинчлантирувчи таъсир кўрсатиб, уйқусизлик билан курашишга ёрдам беради. Шу жиҳатдан, Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармасининг грант маблағлари ҳисобидан ҳудудларда сут йиғиш марказлари ташкил этилиши, уларга камида 100 та аҳоли хонадони бириктирилиб, кооператив тизим йўлга қўйилиши жуда муҳим қарор бўлди, деб ўйлайман.

Шунингдек, кластерлар томонидан 64 та чорвачилик комплекси барпо этилган ҳолда, Жаҳон банкининг маблағлари жалб қилиниб, чорва молларини идентификациялаш тадбирлари бошланади. Бу орқали тармоқда ҳам сифат, ҳам натижадорлик борасида сезиларли муваффақиятларга эришилади. Зотан, чорвачиликка қаратилган эътибор — озиқ-овқат хавфсизлигига қаратилган эътибордир.

Бу жараёнда балиқчилик учун ҳам бир қатор қўшимча имкониятлар белгиланаётгани эътиборга молик. Хусусан, бундан буён табиий сув ҳавзаларини ижарага бериш онлайн аукцион орқали бўлади. Тармоқда 241 та, жумладан, креветкани саноат усулида етиштириш лойиҳаси амалга оширилади. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида балиқчилик лойиҳалари учун 50 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилиши эса ушбу тармоқнинг ривожланишига хизмат қилади.

Буларнинг эвазига жорий йилда 850 минг тонна балиқ етиштириш мумкин. Бунинг учун эса табиий кўллар ва дарёларда балиқ овлаш билан чекланиб қолмай, уларнинг бўйида маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қиладиган экотуризм масканлари барпо этиш яхши самара бериши аниқ.

Фикр

Асаларичилик сердаромад соҳалардан бири ҳисобланади. Асаларичилик билан томорқа майдонларида ҳам шуғулланиб, яхшигина даромад олиш мумкин. Эндиликда 50 минг гектар боғ ва 200 минг гектар дала четларида асалари уяларининг жойлаштирилиши аҳоли даромадини ошириш билан бирга, юртимиз бозорларида хуштаъм, тоза ва табиий асал маҳсулотининг янада арзон бўлишига ҳисса қўшади.

Умуман олганда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат иқтисодий фойда кўриш учун, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Соҳадаги имкониятлар эса халқимизнинг ризқи бутун, дастурхони тўкинлигига эришишга замин яратади.

**Одинахон ОТАХОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Маданият

# ГУЛИСТОНДА ЯНГРАР ДЎМБИРА САДОСИ

*Сирдарё вилояти маркази — Гулистон шаҳрида 6 — 8 май кунлари III Халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтади.*

Фестивалга тайёргарлик жараёнида амфитеатр, вилоят мусиқали театри, Ёшлар маркази, кўча ва хиёбонлар байрамона тарзда безатилди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар учун ажратилган ҳудудларда бахшичилик санъати, халқ оғзаки ижоди ва миллий-маданий анъаналаримизни акс эттирувчи павильонлар ташкил қилинди.

— Халқаро бахшичилик санъати фестивалига мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 1,5 мингдан зиёд ижодкорлар таклиф этилган, — дейди Сирдарё вилояти маданият бошқармаси матбуот котиби Даврон Азаматов. — Шунингдек, 40 дан ортиқ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан бахшичилик санъатига доир мусиқа ижрочилари қатнашиши кутилмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# СОҲАДАГИ КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

*Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқаро стандартларга интеграциялаш бўйича саъй-ҳаракатлар туфайли ўқитувчиларнинг ишга, ҳаётга муносабати тубдан ўзгарди. Ҳозир улар доимий изланиб, янгиликка интилиб яшамоқда.*

Бироқ педагогларнинг мақомини ошириш бўйича бугунги кунга қадар амалга оширилган чора-тадбирлар, қабул қилинган ҳужжатлар улар фаолиятини тўлақонли бажаришга, етарли даражада моддий, ижтимоий қўллаб-қувватлашга асос бўлмаётгани ҳам бор гап.

Давлат таълим ташкилотлари раҳбарлари, соҳанинг ваколатли давлат бошқаруви органлари, ота-оналарнинг педагог ходимларнинг касбий фаолиятларига асоссиз аралашувлари улар томонидан таълим сифатини яхшилаш, таълим ва тарбия олувчиларга етарли билим ҳамда кўникмалар беришдан чалғитяпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган "Педагог ходимнинг мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ўқитувчиларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлигини ошириш, соҳадаги камчиликларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур қонун лойиҳасида давлат таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагог ходимларни давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида мажбурий тиббий кўрикдан бепул ўтиши, педагог ходимнинг касбий фаолияти давомида юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш ҳамда давлат таълим ташкилотларидаги педагог ходимларнинг таълим бериш жараёнида фойдаланиладиган бирламчи ўқув-методик материаллар ва ўқув қуроллари давлат томонидан бепул таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Эътиборлиси, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ЮНЕСКОнинг махсус низоми, МДҲнинг "Ўқитувчи мақоми тўғрисида"ги модель қонуни, Хитой, Қозоғистон, Россия,



Беларусь, Япония каби давлатлар тажрибаси атрофлича ўрганилди.

Ялпи мажлисда депутатлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, уни тўғридан-тўғри қўлланадиган нормалар билан бойитиш бўйича қатор таклифлар берди. Биз, албатта, бу таклифларни синчиклаб ўрганиб, уларни қонун лойиҳасига сингдирамиз.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши педагог ходимнинг жамиятдаги мақомини юксалтириш, унинг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва касбий камол топиши учун шароит яратиш ҳамда ҳуқуқий кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

**Ғайрат АБДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

РЕКЛАМА

## МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, РЕСПУБЛИКАДАГИ ИШ БЕРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

# ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

**2022/2023 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсимлаш ишлари олиб борилаётганини билдириб, жорий йилнинг 16 май куни институтда иш берувчиларнинг "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси ўтказилишини маълум қилади. Шу муносабат билан мулкчилик шаклидан қатъи назар, республикадаги барча иш берувчиларни меҳнат ярмаркасига таклиф этамиз. Сиз ушбу ярмаркада ёш кадрларни суҳбат асосида танлаб олиш ҳамда уч томонлама шартномалар имзолаш имкониятига эга бўласиз».**

**2022/2023 ўқув йили битирувчиларининг йўналишлар ва ҳудудлар кесимидаги сони тўғрисидаги маълумотни эътиборингизга ҳавола этамиз.**

| № | коди | Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи | Жами битирувчилар сони | Битирувчилар сонининг ҳудудлар бўйича тақсимоти | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Қашқадарё вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сирдарё вилояти | Сурхондарё вилояти | Тошкент вилояти | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | Тошкент шаҳри |
| | | **Институт бўйича жами:** | **1036** | **46** | **14** | **38** | **55** | **99** | **25** | **10** | **51** | **54** | **75** | **141** | **39** | **77** | **312** |
| | | **шундан:** | | | | | | | | | | | | | | | |
| I | | **Бакалавриат жами:** | **831** | **29** | **11** | **30** | **48** | **76** | **21** | **7** | **46** | **45** | **48** | **129** | **31** | **63** | **247** |
| 1 | 5150900 | Дизайн (костюм) | **48** | | | | 2 | 4 | 4 | 1 | | | 1 | 2 | 3 | 6 | 25 |
| 2 | 5230400 | Маркетинг (енгил саноат) | **28** | 1 | | 3 | | 4 | 1 | | 2 | 1 | | 4 | 1 | 2 | 9 |
| 3 | 5230900 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (пахта ва тўқимачилик саноати) | **25** | | 2 | | 2 | 1 | | 1 | | | | 5 | | 1 | 13 |
| 4 | 5232900 | Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | **52** | 1 | 1 | 2 | 3 | 4 | 1 | 1 | 4 | 2 | 2 | 6 | 5 | 6 | 14 |
| 5 | 5310900 | Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат) | **43** | | | | 3 | 3 | 1 | | 4 | 3 | 2 | 9 | | 1 | 17 |
| 6 | 5311000 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат) | **60** | 1 | | 4 | | 7 | | | | 1 | 3 | 14 | 2 | 2 | 26 |
| 7 | 5320300 | Технологик машиналар ва жиҳозлар (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати) | **62** | 6 | 1 | 3 | 2 | 7 | 4 | | 4 | 2 | 7 | 6 | | 4 | 16 |
| 8 | 5320400 | Кимёвий технология (тўқимачилик саноати) | **45** | 1 | 1 | 1 | 3 | 8 | 1 | | 2 | 1 | | 4 | 3 | 4 | 16 |
| 9 | 5320400 | Кимёвий технология (қоғоз саноати) | **23** | 1 | | 1 | 1 | 2 | | | 2 | 3 | 1 | 5 | 1 | | 6 |
| 10 | 5320800 | Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси | **39** | 1 | | | 3 | | | | 3 | 3 | 4 | 8 | | | 17 |
| 11 | 5320901 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (йигирилган ип ишлаб чиқариш) | **28** | 1 | | 2 | 6 | 1 | 1 | | 1 | 2 | 3 | 3 | 3 | 1 | 4 |
| 12 | 5320902 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш) | **29** | 2 | 3 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 4 | 1 | 4 | | 5 | 5 |
| 13 | 5320903 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж) | **29** | 3 | 2 | 3 | 2 | | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | 3 | 1 | 2 | 6 |
| 14 | 5320904 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тўқима) | **32** | 1 | | 1 | 4 | 2 | | 1 | 4 | | 3 | 4 | 1 | 4 | 7 |
| 15 | 5320905 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари) | **45** | | | 2 | | 4 | 1 | | 1 | 3 | 4 | 8 | 1 | 3 | 18 |
| 16 | 5320906 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тери (қоракўл) ва мўйнага ишлов бериш) | **16** | | | 1 | 3 | | 1 | | 2 | 2 | 1 | 3 | | 1 | 2 |
| 17 | 5320907 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (чарм ва мўйна буюмлари) | **15** | | | 1 | 1 | 3 | | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | | 2 | 1 |
| 18 | 5321200 | Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта) | **56** | 2 | 1 | 1 | 3 | 5 | 1 | | 1 | 3 | 3 | 17 | 3 | 4 | 12 |
| 19 | 5321501 | Технологиялар ва жиҳозлар (чарм ва мўйна, қоракўл) | **19** | | | 2 | | 1 | | | 2 | | 2 | 3 | 1 | 2 | 6 |
| 20 | 5321502 | Технологиялар ва жиҳозлар (пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари) | **16** | 1 | | | 1 | 2 | | | | | | 3 | 2 | 1 | 6 |
| 21 | 5322000 | Пахтани ишлаб чиқаришга тайёрлаш технологияси | **49** | 3 | | 3 | 4 | 5 | 1 | | 5 | 5 | 4 | 5 | 3 | 5 | 6 |
| 22 | 5610600 | Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати) | **32** | 2 | | | 2 | 6 | 1 | | 2 | 3 | 1 | 5 | 1 | 3 | 6 |
| 23 | 5640200 | Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги | **40** | 2 | | | 2 | 6 | 1 | | 3 | 4 | 3 | 6 | | 4 | 9 |
| II | | **Магистратура жами:** | **205** | **17** | **3** | **8** | **7** | **23** | **4** | **3** | **5** | **9** | **27** | **12** | **8** | **14** | **65** |
| 1 | 70210401 | Дизайн (турлари бўйича) | **17** | 1 | | 2 | 1 | | 2 | | | | 1 | 2 | | | 8 |
| 2 | 70412501 | Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | **6** | | | | | | | | | 1 | | | | | 5 |
| 3 | 70710101 | Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) | **21** | 2 | | 1 | | | | | | 1 | | 4 | | 4 | 9 |
| 4 | 70710301 | Матбаа машиналари ва аппаратларига сервис хизмати кўрсатиш | **9** | | | | | | | 2 | | 1 | | 1 | | | 5 |
| 5 | 70710302 | Матбаа технологияси ва дизайни | **7** | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | 5 |
| 6 | 70711302 | Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (тармоқлар бўйича) | **15** | 2 | 1 | 1 | | 3 | | | | 1 | | | 1 | 1 | 5 |
| 7 | 70711401 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича) | **12** | | | | 1 | 7 | | | | 1 | 1 | | | | 2 |
| 8 | 70720709 | Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари | **11** | | | | | 1 | 1 | | | | 6 | 1 | 1 | | 1 |
| 9 | 70720711 | Пахта саноати машиналари ва жиҳозлари | **7** | | | | | 3 | | | | 1 | 1 | | | 1 | 1 |
| 10 | 70721201 | Тўқимачилик маҳсулотлари технологияси (маҳсулот турлари бўйича) | **33** | 8 | | 1 | 3 | 2 | | | 2 | | 8 | | 1 | 4 | 4 |
| 11 | 70721202 | Тўқимачилик саноати буюмларини бадиий лойиҳалаш (диссинаторлар) | **6** | 1 | 1 | | | | | | | | 1 | | | | 3 |
| 12 | 70721301 | Пахтани дастлабки ишлаш ва уруғ тайёрлаш технологияси | **23** | 2 | 1 | 1 | 1 | 2 | | 1 | 1 | 1 | 3 | | 3 | 1 | 6 |
| 13 | 70721401 | Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш (тармоқлар бўйича) | **7** | | | 1 | | 2 | | | | | 2 | | | | 2 |
| 14 | 70721403 | Енгил саноат маҳсулотлари технологияси ва жиҳозлари (маҳсулот турлари бўйича) | **31** | 1 | | 1 | 1 | 2 | 1 | | 1 | 2 | 4 | 4 | 2 | 3 | 9 |

**Таклиф ва фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.**
**Маълумот учун телефонлар: 71-253-06-06, 90-357-06-65. Факс: 71-253-36-17, E-mail: Pochta@ttyesi.uz**
**Манзил: 100100 Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй.**

Дил сўзи

# ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ — ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

*Хабарингиз бор, шу йилнинг 30 апрель куни мамлакатимизда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси бўйича референдум ҳамюртларимизнинг фаоллигида ўтиб, каттаю кичик барча фуқароларимиз ислоҳотларга бефарқ эмасликларини намоён этди.*

*Бу хусусда юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари билан бирга, хорижлик экспертлар ҳам ўз таассуротлари, фикр-мулоҳазаларини баён этаркан, янгиланган Конституция эзгу орзулар ижобати бўлишини якдиллик билан таъкидламоқда.*

**Фадли ЗОН,**
**Индонезия Республикаси Вакиллар палатаси Парламентлараро ҳамкорлик қўмитаси раиси:**



— Бир неча марта сиёсий тадбирларда иштирок этиш учун Ўзбекистонга келганман ва ҳар сафар бу ердаги ўзгаришларни кўриб, очиғи, хурсанд бўламан.

Мамлакатингизда 30 апрель куни ўтказилган референдумда ҳам бир қатор участкаларда кузатувчи сифатида қатнашдим. Кузатувларим асосида шуни таъкидлашни истардимки, ушбу сиёсий жараён юқори савияда, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида ўтказилди.

Референдум Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг яққол намунаси бўлди, деб ҳисоблайман. Қолаверса, янгиланган Конституциянинг муаллифи том маънода халқ бўлди. Бу ҳам эътироф этиш керак бўлган жиҳатлардан биридир.

Яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман, яъни Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги парламентлараро алоқалар сўнгги йилларда янада мустаҳкамланди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Индонезия Республикасининг Халқ вакиллари кенгаши билан "Ўзбекистон — Индонезия" дўстлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда.

Ўз навбатида, Индонезия парламентида ҳам Ўзбекистон билан парламент дўстлик гуруҳи тузилган. Биз бу борадаги муносабатларни фаоллаштиришда мазкур дўстлик гуруҳлари фаолиятидан кенг фойдаланиб, қонун ижодкорлиги йўналишидаги ҳамкорликни жонлантирамиз.

Мухтасар айтадиган бўлсам, Ўзбекистон дунёга очилди, бу эса мамлакат тараққиётини тезлаштиришга имконият яратиб берди.

**Давлат ТОШЕВ,**
**халқ амалий санъати устаси (Бухоро шаҳри):**



— Бош қомусимиз жамиятимизнинг барча соҳалари қатори халқ амалий санъати равнақи учун ҳам муҳим ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайди. Бунинг учун Бош қомусимизнинг 61-моддасига назар ташлаш кифоя. Унда фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаши шартлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, Конституциямизнинг 78-моддасида айтилганидек, давлат ва жамият болалар ва ёшларда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Яқинда Бухоро шаҳрида XIX асрда бунёд этилган Жўрабек карвонсаройида "Устоз — шогирд" анъанаси бўйича болалар амалий санъат марказини очдик. Бу ерда айни пайтда ўнлаб ўғил-қизлар миниатюра ҳамда наққошлик санъати, қадимий китобларни реставрация қилиш, ипак матога нақш тушириш сир-асрорларини ўрганишяпти.

Таъкидлаш жоизки, янгиланган Конституциямизда жамият тараққиётига туртки берувчи, муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилувчи ғоялар ўз ифодасини топган. Шу маънода, Бош қомусимиз маданий меросимизни асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга етказиш борасида ҳам бизга маёқ вазифасини ўтайди.

**Солижон МЎМИНОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиали директори:**



— Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ҳар бири мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга, йиллар синовидан ўтган, ҳаётимизнинг у ёки бу жиҳатини янада яхшилаш, одамларга енгиллик туғдиришга йўналтирилгани билан аҳамиятли.

Мисол учун, бундай ўзгаришларни биргина соғлиқни сақлаш соҳаси, ҳамюртларимизнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқлари, давлатнинг бу бўйича мажбуриятлари белгилаб қўйилган моддаларда ҳам кузатиш мумкин.

Юртимизда инсон манфаати ва қадр-қиммати ҳар нарсадан устун. Шу маънода, юртдошларимизнинг ўз соғлиқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ Конституцияда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқларидан тўла-тўкис фойдаланишлари учун пойтахтдан тортиб, вилоят, туман марказларигача бўлган кесимда барча шароитлар муҳайё этилгани таҳсинга лойиқ.

Янгиланган Конституциямиз адолатли жамият қуриш, инсон қадрини улуғлаш йўлидаги улкан қадамдир. Шундай экан, Бош қомусимиз узоқ йиллар юртимиз ривожланиши, халқимиз бахт-саодати учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий. Зеро, халқ билан маслаҳатлашиб, ҳаётга татбиқ этилган ҳар бир эзгу амалнинг умри боқий бўлади.

**«Халқ сўзи».**

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

# ЭЪЗОЗУ ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

*Пешкулик 98 ёшли Назар отанинг кечагидек эсида: ўшанда 1949 йил эди. Етти йиллик айрилиқдан кейин она юрти Бухорога қайтаётган жангчи йигит Вобкентнинг машҳур минораси олдида акасига рўпарў келиб қолса бўладими?*

Жигаргўшаларнинг қайноқ дийдорлашуви сабаб ён-атрофга одамлар йиғилди. Кимдир урушдан қайтмаган отасини, кимдир турмуш ўртоғини эслаб юм-юм йиғлади. Яна кимдир "Урушда бедарак кетган ўғлим шу эмасмикан?", дея ҳарбий либос ўзига ярашган, одамлар қуршовидаги йигит томон ошиқди...

Назар Шеровга 1943 йили урушга чақирув қоғози келганида, эндигина мактабни тамомлаган навқирон йигит эди. Тез кунларда бир гуруҳ йигитлар қатори Когон темир йўл вокзали орқали армияга жўнади. Қақшатқич жангларда уч бор яраланган бўлса-да, ғалабани Германияда қарши олди. 1949 йилга қадар олмон юртида ҳарбий хизматни давом эттирди.

Қадрдон она юртга қайтгач, нафақага чиққунга қадар муаллимлик қилди. Турмуш ўртоғи Норжон момо билан тўққиз қиз, бир ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Бугун невара, эвараю чеваралар ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

— Президентимизнинг биз, қарияларга кўрсатаётган юксак эътиборидан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Юртбошимизнинг куни кеча эълон қилинган 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармони бизни янада мамнун қилди, — дейди Назар Шеров. — Уруш йилларининг қийинчиликларини эсласам, тинч-осойишта, фаровон ўтаётган ҳар бир кунимизга беҳисоб шукроналар айтаман. Турли учрашувларда ёшларга ўтмиш хотираларим, ҳаёт тажрибам ҳақида сўзлаб, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиш, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишни насиҳат қиламан.

Файзли оила соҳибини қўни-қўшнилар, маҳалладошлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳеч қачон ёлғизлатиб қўйишгани йўқ. Отахон эл-юрт эъзозида.

Дунёда бу эъзоздан қадрлироқ яна нима бор?!

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**





# Туризм: ИМКОНИЯТ, САЛОҲИЯТ ВА ТАКЛИФЛАР

*Ўзбекистон — туризм салоҳияти улкан мамлакат, ундан оқилона фойдаланиш эса ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Шу маънода, туризмнинг миллий ва замонавий инфратузилмасини шакллантириш, унинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш асосида ушбу тармоқнинг миллий иқтисодиётдаги улушини ошириш Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг муҳим масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур соҳанинг модернизациялашуви ва маҳсулотларнинг диверсификациялашуви шундай даражада бўлиши зарурки, у миллий иқтисодиётда янги иш ўринларини очиш, валюта тушумларини кўпайтириш, мамлакатимизнинг мавқеини халқаро майдонда кўтариш, халқимизнинг бой тарихий-маданий меросини асраб-авайлаш ва табиий ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминламоғи лозим.*

## Таҳлил

Янги Ўзбекистонни барпо этишда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 35-моддасида "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг" дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллиондан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш белгиланган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида шу йил 29 март куни ўтказилган мамлакатимиз туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳа ривожининг долзарб масалалари белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, юртимизда сайёҳликни ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2016 йил 2 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётда биринчи маротаба туризм соҳасига стратегик сектор мақоми берилди.

Бу мақомнинг берилиши билан ушбу соҳани етакчи кучга айлантиришга, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашга, иш билан бандликни таъминлашга, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга эътибор қаратилди. Натижада 2016 — 2022 йилларда туризм йўналишида жуда кўп янгиликлар кузатилди.

Жумладан, мамлакатимизда ички туризмни рағбатлантириш мақсадида "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури жадаллаштирилди, "Ички туризм ойлиги", "Ички туризм ҳафталиги", "Ички туризм кунлари" ташкиллаштирилди, "Оилавий саёҳат таътили" тизими орқали ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимлар саёҳати уюштирилди.

Тизимли равишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, кенг тарғиб қилувчи тарғибот материаллари яратилди ва оммалаштирилмоқда.

Мамлакатнинг туризм соҳасидаги имижини хорижда кенг тарғиб қилиш мақсадида тармоқ билан боғлиқ веб-саҳифаларнинг тиллар хилмахиллигини кенгайтириш (хитой, япон, корейс, араб, француз, испан, немис ва бошқа тилларда) ва туризм салоҳиятини тарғиб қилишга бағишланган видеороликлар тайёрланмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги халқаро туризм кўргазма ва ярмаркаларида миллий стенд билан муносиб иштирок этиш чоралари кўрилиб, мамлакатга хорижий туристлар оқими оширилишининг дастури ишлаб чиқилди.

Туристик оқимни таъминловчи, иқтисодий барқарор ва хавфсиз давлатларнинг фуқаролари учун виза режимини босқичма-босқич янада либераллаштириш, тармоқдаги тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар яратиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, туризм ва маданий мерос йўналишини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш юзасидан хорижий тажриба ўрганилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.



Замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда кўча инфратузилмаси (ўтиш йўллари, пиёда йўлаклари, санитар-гигиеник шохобчалар, жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун тўсиқсиз ҳаракатланиш, туризм ахборот кўрсаткичлари ва бошқалар)ни ташкил қилиш, ахборот туризм марказлари сонини ошириш, соҳа навигациясининг ягона унификация қилинган тизимини жорий этиш, маданий мерос объектларини реставрация ҳамда консервация қилиш ва бошқа чоралар кўрилмоқда.

Туризмнинг ривожланиши кўп жиҳатдан мазкур соҳада фаолият юритувчи мутахассисларнинг малакасига боғлиқ. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 29 та олий ўқув юрти, 35 та профессионал таълим муассасасида соҳа учун кадрлар тайёрланмоқда.

Биласиз, шу пайтгача туризм соҳасида кадрлар тайёрлайдиган ўрта махсус таълим муассасаларида ўқиётган мутахассисларнинг нафақат юртимизда, балки халқаро даражада рақобатбардош бўлиши асосий муаммолардан бири ҳисобланарди. Ёш мутахассисларнинг Бухоро, Зомин ва Бўстонлиқ туризм коллежларида меҳмонхона бошқаруви, сервис ва бошқа йўналишларда янги ўқув дастурлари асосида ўқитилиши, "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университетида йилига камида минг нафар ёшнинг бу йўналиш бўйича билим олишининг ташкил этилиши ушбу муаммонинг ечимини белгилаб берди.

Ўзбекистон тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларга бой юрт сифатида ҳам улкан туристик салоҳиятга эга. Шу боис ҳам юртимиздаги 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, зиёрат туризми йўналишида мақсадли бозорларга кириб бориш, зиёратчиларга зарурий шарт-шароитларни яратиш, "Умра+" дастурини ташкиллаштириш орқали туризм индустрияси бандлигига эришилмоқда.

Шунингдек, 2023 йилда БМТ жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича Ўзбекистон номзодини илгари суриш юзасидан тегишли ташкилий ишлар олиб борилди.

Самарқандда янги аэропорт, туризм марказидаги 8 та меҳмонхона, конгресс-холл, парк ва бошқа мажмуалар барпо этилиши бу азим ва боқий шаҳар кўркига янада файзу тароват бағишлади.

Ўзбекистон туризм брендини хорижда тарғиб қилиш масаласи ҳам ниҳоятда долзарб. Шу жиҳатдан, мамлакатимизнинг туризм салоҳияти хорижий оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва халқаро рейтингларда ҳам кенг эътироф этилмоқда.



Масалан, АҚШнинг "Time" журнали, "Travel Lemming" ҳамда "Forbes Advisor" ва "The New York Times" онлайн саёҳат қўлланмалари, Британиянинг машҳур "British Muslim Magazine" журнали, "Independent", "Rough Sides", "Dorling Kindersley", "Times Travel" ва "Lonely Planet" онлайн нашрлари нуфузли оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва имкониятлари ҳақида мақолалар чоп этилди.

Яна бир салоҳиятли йўналиш — зиёрат туризми. "Жаҳон мусулмон саёҳати индекси" халқаро рейтингида 2022 йилда Ўзбекистон еттита поғона юқорилаб, янги пайдо бўлаётган энг кучли исломий саёҳат дестинацияси сифатида алоҳида эътироф этилди.

Мамлакатимизнинг зиёрат туризми салоҳиятини манзилли тарғиб қилиш мақсадида эса "Ўзбекистон — Ислом маданияти маркази" брендини яратиш ҳамда уни Малайзия, Туркия, Россия, Индонезия, Сингапур, Покистон, Ҳиндистон, Буюк Британия ва бошқа хорижий давлатларнинг марказий масжидларида ҳафталик тадбир шаклида ўтказиш ҳамда унинг доирасида кўчма кўргазма ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Минтақавий кооперацияларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туркий давлатлар ташкилоти доирасида туризм йўналишида, жумладан, транспорт логистика тизимини ривожлантириш, тарғибот ишларини сифатли ташкиллаштириш, маданий мерос объектларини асраш жамғармасини ташкил қилиш, Ягона тадбирлар тақвимини яратиш, қўшма турлар уюштириш, "Табаррук зиёрат" лойиҳасини амалга ошириш йўналишларида чора-тадбирлар қўлланди.

Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳаси ривожланиши учун юқорида қайд этиб ўтилган ишлар билан биргаликда қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

— халқаро туризм бозорида соҳани рақамлаштириш тенденцияси жадаллик билан ривожланаётганлиги кузатилмоқда;

— ривожланган давлатлардаги аҳоли каттагина қисмининг феъл-атвори ва дунёқарашида катта ўзгаришлар кузатилмоқда, бу ҳам ўз навбатида, соҳага таъсирини кўрсатади;

— бугунги кунда жаҳон туризм бозорида мақсадли туризм йўналишлари, яъни янги таассуротларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тезда ўзгариши, гуруҳли, икки киши ёки индивидуал бўлиб ҳордиқ чиқариш, табиат ва ландшафт гўзаллигидан баҳра олиш тенденцияси юзага келмоқда;

— ижтимоий-демографик ўзгаришлар, саёҳатларга чиқиш учун вақт ва зарур даромадга эга бўлган кишилар сонининг ошганлиги кузатилаётир;

— аҳолининг билим ва ахборотлар олишга нисбатан фаоллиги кучайганлиги тармоқда ўзгаришларни амалга оширишни талаб қилади.

Шунингдек, соҳани тарғиб қилишда "Digital Marketing" ва замонавий брендинг усулларидан фойдаланиш керак, бу эса кўплаб кўргазмаларга сарфланиши мумкин бўлган маблағларни маълум даражада тежаш, яъни интернет орқали онлайн тарғиботни йўлга қўйиш қисқа муддатда керакли натижага эришиш имкониятини беради.

Ҳудудларнинг хилма-хил ҳамда йилнинг турли фаслларида жозибадор ва рақобатбардош туризм маҳсулотлари, шу жумладан, мамлакат ҳудудларида тематик туризм зоналари ва кластерларини яратиш орқали ҳамда сайёҳликнинг истиқболли турлари (зиёрат, маърифий, экологик, этнографик, гастрономик, спорт, даволовчи-соғломлаштирувчи, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик ва бошқаларни)ни ҳисобга олган ҳолда янги туризм маҳсулотлари яратиб борилиши зарур.

Ички ва ташқи туризм бозорларида маркетингни йўлга қўйиш керак. Бунда Ўзбекистон Республикасининг хавфсиз мамлакат сифатидаги имижини мустаҳкамлаш, ягона миллий сайёҳлик брендини яратиш ҳамда унга асосан ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг туризм брендларини яратиш, бу йўналишдаги бозорларга қаратилган миллий туризм маҳсулотини илгари суриш, мамлакат ва хорижда Ўзбекистон Республикаси имижини тарғиб қилувчи реклама-ахборот кампаниясини ўтказиш юзасидан ташкилий чоралар кўрилиши лозим.

Соҳани ривожлантиришда ички ва хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, халқаро туризм рейтингларида мамлакат ўрнини яхшилаш чораларини амалга ошириш зарур.

Умуман олганда, юқорида қайд этиб ўтилган чора-тадбирларнинг ижроси мамлакатимизда мазкур соҳада замонавий йўналишларни йўлга қўйиш, хорижий туристлар сони ортиши, ички туризм ривожланиши ва сайёҳларнинг ташриф географияси кенгайишига олиб келади.

**Алишер ЭШТАЕВ,**
**ТДИУ кафедра мудири, профессор.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 541. 17 714 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.30 Топширилди — 05.55 1 2 3 4 5 6